2025-yil
30-avgust
shanba
№108
(5172)
Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ХИТОЙДА БЎЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 30 август – 3 сентябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.**

Ўзбекистон етакчиси 31 август – 1 сентябрь кунлари Тяньцзинь шаҳрида ўтадиган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси ва «ШҲТ плюс» форматидаги саммитда иштирок этади.

Тадбирлар кун тартибидан устувор йўналишларда кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва ташкилот фаолиятини янада такомиллаштиришнинг долзарб жиҳатлари ўрин олган. Унинг якунида Тяньцзинь декларацияси, хавфсизлик, рақамли иқтисодиёт, «яшил» саноат, энергетика, туризм ва бошқа соҳаларда шерикликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган қўшма ҳужжатлар ҳамда қарорлар қабул қилиниши режалаштирилган.

2 сентябрь куни Пекин шаҳрида давлатимиз раҳбари ХХР Раиси Си Цзиньпин билан музокаралар ҳамда Хитой расмий шахслари ва етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашувлар ўтказади. Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Президенти 3 сентябрь куни Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 80 йиллигига бағишланган тантанали тадбирларда иштирок этади.

**ЎзА**

# ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭНГ КАТТА ҚУДРАТИ – МЕҲР-ОҚИБАТ, САХОВАТ ВА БИРДАМЛИКДА



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ТЎРТ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

>>> 2



МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 34 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН» БОҒИДА БАЙРАМ ТАНТАНАСИ БЎЛИБ ЎТДИ

>>> 3



## ЯНГИ ЕРОСТИ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛИ ОЧИЛДИ, ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИДА ЭСА ҚУРИЛИШ ЯКУНЛАНМОҚДА



3

## ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН КУРАШГАН ҚАҲРАМОН АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИ – УЛКАН ИБРАТ МАКТАБИ



3




# ҚУЁШ ЮРТИ ХОРАЗМ

1

Хоразм...

Тарихи минг турли афсона-ю ривоятлар билан чулғанган, Марказий Осиёдаги икки буюк саҳро – Қорақум ва Қизилқум ўртасида ястаниб ётган қадимий юрт.

Авестонинг «Яшт» қисмида «Минг ирмоқли дарё», «Кўллар ва ўтлоқларга бой ўлка» сифатида мадҳ этилган; Зардуштийда Хваиризем, эски форсийчада Уваразмис, лотинчада Хорасмия, юнончада Хоразмия, арабчада Хворазм, яна бир жойда «Қуёшли ер», бошқа жойда «Қуёшли ўлка» дейилмиш оқсоч будуннинг нуроний минтақаси.

Бехистун битикларида, Геродот, Гекатей асарларида қайта-қайта зикр этилган, Зардуштийлар ҳосилдорлик маъбуди Анаҳита дея таърифлаган, милоддан аввалги тўртинчи асрнинг иккинчи ярмидаёқ мустақил давлат сифатида етти иқлим тан берган довруғли салтанат; бир замонлар Фарғонадан Грузия ҳудудларига қадар, Қозоғистон чўлларидан Ҳинд океани соҳилларигача эгаменлик қилган қудратли империя.

Дам гуркираб ривожланган, дам оғир инқирозларни бошидан кечирган бу замин ўз бошидан нималарни ўтказмади-ю нималарни кўрмади, дейсиз? Искандардан Дорогача, Пётрдан Шўрогача дунёга келган босқинчи зоти борки, ҳаммаси Хоразм заминига кўз олайтирди. Хоразм халқи, унинг мард ва баҳодир саркардалари асрлар давомида ғанимларга қарши мардона курашдилар, бирда енгдилар, бирда енгилдилар, бирда эгдилар, бирда эгилдилар, аммо ҳеч қачон синган эмас.

Ёғийларни зир титратган, Чингизхондек буюк ҳукмдорни: «Жалолиддин Мангубердидек қаҳрамон фарзанди бор ота нақадар бахтлидир», дея тан олишга, ҳавас ва ҳасад қилишга мажбур этган ҳақиқий халқ қаҳрамони эди Жалолиддин Мангуберди.

Чингизхоннинг юқоридаги сўзларини орадан неча юз баҳорлару неча юз қишлар ўтгач, шу йилнинг июнь ойида Хоразмда бўлган Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух яна бир бор тасдиқлади.

– Биз тарихдан биламизки, Чингизхон Хоразм саркардаси Жалолиддин Мангубердининг жангдаги жасоратини кўриб, «Агар ўнта ўғлим бўлса, битта Жалолиддинга алмашардим!» дея хоразмлик йигитни ўнта мўғулга тенглаштирган, – деди Мўғулистон Президенти. – Бу тарихий ҳақиқат. У дунё тарихчилари томонидан ҳам тасдиқланган, ҳам тан олинган Мен бу заминни уч кун давомида зиёрат қилар эканман, Хоразмнинг тарихий обидалари, осори-отиқалари, маданияти, санъати, аҳолисининг меҳмондўстлигини кўриб, бунга амин бўлдим.

>>> 4

www.ishonch.uz
ishonch1991@yandex.uz
facebook.com/ishonchofficial.uz
https://t.me/ishonchuz_official

Адаб кичик ёшлиғларни улуғлар дуосиға сазовор этар.
Алишер Навоий

2025-YIL 30-AVGUST
SHANBA
№ 108 (5172)

# ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭНГ КАТТА ҚУДРАТИ – МЕҲР-ОҚИБАТ,

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ТЎРТ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Сиз, азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни, хориждаги ватандошларимизни Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик шонли санаси билан чин қалбимдан табриклайман.

Истиқлол байрами барчамизга муборак бўлсин!

Ҳурматли дўстлар!

Бугун, мана шу улуғ айём кунларида ҳаммамиз бир ҳаётий ҳақиқатни чуқур ҳис этмоқдамиз. Янги Ўзбекистон ғояси асосида бошлаган улкан ислоҳотларимиз туфайли мустақиллик берган ҳуқуқ ва эркинликларни ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаётида чуқур ҳис қилиб, бу имкониятлардан кенг фойдаланмоқда.

Айнан ана шу улуғвор ғоя асосида биз уч минг йиллик бой тарих ва маданиятимизни қайтадан идрок этдик. Юртимиз заминидаги Биринчи ва Иккинчи Ренессанс анъаналарини ривожлантириб, Учинчи Ренессанс сари дадил амалий қадамлар қўймоқдамиз.

Ишончим комил, бу йўлда Янги Ўзбекистон давлати, Янги Ўзбекистон жамияти буюк тарихимизни янги – янада юксак Уйғониш даври билан боғлайдиган мустаҳкам кўприк бўлиб хизмат қилади.

Мир Алишер Навоий бобомизнинг **«Бу оламни яратишдан мақсад – инсон эди, уни бахтли кўриш эди»,** деган фикрларида чуқур маъно мужассам. Халқимиз асрлар давомида орзу қилиб, курашиб ўтган инсон қадрини улуғлаш, уни бахтли қилиш – барча ислоҳотларимизнинг маъно-мазмунини ташкил қилмоқда.

**«Инсон қадри учун, инсон бахти учун»** деган эзгу тамойилга асосланган Янги Ўзбекистон ғояси амалда қудратли ҳаракатга айланди.

Дунёдаги мураккаб вазиятга қарамасдан, иқтисодиётимиз 6 фоиздан юқори суръатларда барқарор ўсаётгани халқимиз ўз танлаб олган йўлидан дадил бораётганини кўрсатмоқда.

Юртимиз аҳолиси йилига ўртача 700-800 минг кишига кўпаймоқда. Меҳнат бозорига ҳар йили 500-600 минг нафар ёшлар кириб келмоқда. Бунча одамни ўқитиш, касб-ҳунарли қилиш, уларга иш топиб бериш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бунинг учун мунтазам ишлайдиган тизим, кафолатли инвестиция ва инфратузилма керак.

Шуни олдиндан чуқур ўйлаб, биз бу йўналишда аниқ дастурларни қабул қилдик. Биз маҳаллагача тушиб, ўзини ўзи банд қилган тадбиркордан тортиб йирик бизнесгача – барчасини алоҳида ёндашув асосида қўллаб-қувватлаш бўйича тизим барпо этдик.

Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, Янги Ўзбекистонда тадбиркорлик иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи, олдинга бошловчи катта кучга айланди.

Рақамларга эътибор берайлик: кейинги саккиз йилда ялпи ички маҳсулотимиз 2 карра ошиб, ўтган йили 115 миллиард долларга, экспорт ҳажми 26 миллиард долларга етди. Йил якуни билан ялпи ички маҳсулотимиз 130 миллиард доллар бўлади. Олтин-валюта захираларимиз тарихимизда илк бор 48 миллиард доллардан ошди, ўтган саккиз йилда юртимизга қарийб 130 миллиард доллар хорижий инвестициялар кириб келди.

Буларнинг барчаси ислоҳотларимиз самараси, тараққиётимизнинг мустаҳкам кафолати, нуфузли молия институтлари ва хорижий компанияларнинг юксак ишончи эмасми?

Халқимизнинг кўз ўнгида минглаб замонавий корхоналар, ижтимоий-иқтисодий инфратузилма объектлари қад ростламоқда. Эътибор беринг, бу йил жами 35 миллиард доллар инвестиция эвазига 9 мингга яқин янги корхона, хизмат кўрсатиш мажмуалари барпо этилади. Энг улуғ байрамимиз арафасида 4 миллиард долларлик 79 та йирик объект ишга туширилди.

Ўтган даврда биргина кичик ва ўрта тадбиркорлар сони 2 карра кўпайди. Бугун ушбу тармоқда 10 миллиондан ортиқ аҳолимиз меҳнат қилиб, даромад топмоқда.

Биз йил бошида 5,5 миллион аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича катта марра олган эдик. Саккиз ойдаёқ 5 миллионлик режани уддаладик.

Энг муҳими, ислоҳотларимизга ишониб, шу йилнинг ўзида четда ишлаётган 700 минг фуқаромиз юртимизга, ўз оиласи бағрига қайтди.

Анъанамизга кўра, ўтган ҳафтада тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказиб, бизнес вакиллари қандай масалани кўтарган бўлса, ҳаммасига ечим топиб бердик. Улар учун 50 триллион сўмдан ортиқ янги ресурс, имтиёз ва енгилликлар яратишга келишиб, қарорини ҳам чиқардик. Биз бу ишларни қатъий давом эттирамиз.

Ўзбекистон дунёга кенг очилганидан сўнг хорижий сайёҳлар сони ўтган йили 10 миллион кишидан, туризм хизматлари экспорти эса 3 миллиард доллардан ошди.

Тарихимиз, миллий ўзлигимизни тиклаш мақсадида бунёд этилаётган Ислом цивилизацияси маркази, Самарқанддаги Имом Бухорий зиёратгоҳи каби улкан ва ноёб мажмуаларда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари якунига етмоқда.

Ишончим комил, халқимизнинг маънавий салоҳиятига ҳар томонлама муносиб бўлган бундай бетакрор обидалар аҳолимиз ва жаҳон жамоатчилиги учун янги ва жозибадор масканларга айланади. Бу мажмуалар тадбиркорларимизга сайёҳларни янада кўпроқ жалб қилишда қўшимча имкониятлар эшигини очади.

Яна бир мақсадимиз – ҳалол ишлаган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга имкониятларни кўпайтиришдан иборат.

Шу сабабли «Ҳалол меҳнат – хотиржам ҳаёт ва фаровон жамият гарови» деган шиор асосида «яширин» иқтисодиётни жиловлаш бўйича муҳим чора-тадбирларни амалга оширмоқдамиз. Бу жараёнда фуқаролик институтлари, жамоатчилик назорати субъектлари, оммавий ахборот воситалари, парламент ва маҳаллий кенгашлар янада фаол иштирок этади.

Қадрли юртдошлар!

Иқтисодиётимиз ривожланиши, аҳолимиз кўпайиши билан хавфсиз ва барқарор энергия ресурсларига талаб ортиб бормоқда.

Ўтган саккиз йилда абонентлар сони 25 фоизга, яъни, қўшимча 1 миллион 600 мингтага, истеъмол ҳажми эса 54 фоизга ёки қўшимча 25 миллиард киловатт соатга ошди. Шунинг учун биз келгуси тараққиётимизни «яшил» иқтисодиёт ривожида кўрмоқдамиз.

Аввало, «яшил» энергия улушини ошириш бўйича мисли кўрилмаган қадамлар қўйдик. Натижада электр ишлаб чиқариш қувватлари 2016 йилдаги 59 миллиард киловатт соатдан 85 миллиард киловатт соатга етди, келгуси йилда бу 97 миллиард киловатт соатдан зиёдни ташкил этади.

Шу йилнинг ўзида 6,5 миллиард киловатт соат «яшил» энергия ишлаб чиқарилди. Энг муҳими, жами генерация қувватларида «яшил» энергия улуши 30 фоизга етди.

Биз 2030 йилгача яна 35 миллиард доллар тўғридан-тўғри инвестиция ҳисобидан «яшил» энергия улушини 54 фоизга олиб чиқамиз.

Табиатга меҳрли муносабат орқали келажак авлодларга унумдор ер, зилол сув, мусаффо ҳавога эга бўлган гўзал Ватанни мерос қилиб қолдиришни муқаддас бурчимиз, деб биламиз.

Шу мақсадда «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишларимизни янада кенгайтирамиз. Бу борада «Атроф-муҳитни асраш ва «яшил» иқтисодиёт йили»да амалга ошираётган катта дастурларимиз муҳим аҳамият касб этади.

Кейинги саккиз йилда юртимизда 31 миллион квадрат метрдан ортиқ ёки қарийб 12 мингта кўпқаватли уй-жой барпо этилгани тарихий қадам бўлди. Шу йилнинг ўзида «Янги Ўзбекистон» ва бошқа массивларда яна 130 минг хонадонли замонавий уй-жойлар қурилиб, аҳолига топширилади.

2030 йилгача бутун дунёда қўлланаётган «яшил шаҳар» стандартлари асосида барча шаҳарларимизда яшиллик даражасини 30 фоизга етказамиз.

Натижада мамлакатимиз барқарор энергия билан таъминланади, экологияга, одамларимиз саломатлигига зарарли таъсирлар кескин камаяди.

Шу билан бирга, мастер режалар асосида ҳар бир қишлоқ ва маҳаллага шаҳардаги қулайликларни олиб кирамиз. Кичик шаҳарларни замонавий инфратузилма асосида ривожлантириб, уларни янги босқичга кўтарамиз.

Азиз ватандошлар!

Биз юртимизда ижтимоий ҳимоя сиёсатининг бутунлай янги моделини яратдик. Бу тизим хонадонларгача кириб боргани, эҳтиёжманд аҳоли билан индивидуал ишлашни йўлга қўйганимиз, «Инсон» марказларини ташкил этганимиз – барча учун тенг имконият яратилган инклюзив жамиятни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Ҳаммамиз бир ҳақиқатни тушуниб олишимиз керак: юртимизда бегона одам ҳам, бегона бола ҳам йўқ. Барчамиз ягона юрт фарзандларимиз, ягона Ватан равнақига хизмат қиламиз.

Шу маънода, битта бўлса ҳам қийин аҳволга тушиб қолган ҳамюртимиз тақдири барчамизни бирдек ташвишга солиши керак.

Чунки, халқимизнинг энг катта қудрати – меҳр-оқибат, саховат ва бирдамликдадир.

Шу борада «Ҳамроҳлик дастури»га мувофиқ ота-она меҳридан маҳрум бўлган 11 минг нафар болани таълим, касб-ҳунар, спорт тизимига қамраб олганимиз муҳим натижа бўлди. Эҳтиёжманд оилаларнинг 2,5 миллиондан зиёд аъзоларига 110 турдаги ёрдам ва хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилди. Умуман, бу йилнинг ўзида ёрдамга муҳтож аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга 19 триллион сўм маблағ йўналтиряпмиз.

Буларнинг барчаси ўз самарасини бериб, юртимизда камбағаллик даражасини 6,8 фоизга туширишга эришдик. Халқаро ташкилотлар 5-6 йил олдин ушбу рақамни 35 фоиз атрофида баҳолаганини ҳисобга олсак, қисқа даврда бу борада қандай катта йўлни босиб ўтганимиз яққол аён бўлади.

Биз тадбиркорликни ривожлантириш, кексалар, хотин-қизлар, ёшлар, ижтимоий ёрдамга муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш бўйича ишларимизга янги шиддат берамиз.

Халқимиз учун муносиб шароитлар яратиш борасидаги ислоҳотларимиз бир дақиқа ҳам тўхтамайди.

Муҳтарам дўстлар!

Сифатли таълим-тарбия, аҳолимиз саломатлиги – келгуси тараққиётимизни ҳал қиладиган энг муҳим масала.

Сўнгги саккиз йилда хусусий сектор билан бирга боғчалардаги ўринларни 2,5 миллионга, қамровни 78 фоизга етказдик. Янги мактаблар қурганимиз, борларини кенгайтирганимиз ҳисобига қўшимча 1 миллионта ўқувчи ўрни яратилди.

Замонавий дарсликлар, илғор педагогик технологиялар асосида мактаб таълимига янги мазмун, янги сифат кириб келмоқда.

Шу даврда олий таълимда ҳам кескин бурилиш ясаб, қамровни 9 фоиздан 42 фоизга етказдик. Айниқса, талабаларнинг 53 фоизини хотин-қизларимиз ташкил этаётгани алоҳида эътиборга сазовор.

Ҳозирги вақтда дунёдаги топ олийгоҳларда 2 мингдан зиёд талабаларимиз таҳсил олмоқда. Улардан 750 нафари «Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали давлат ҳисобидан ўқимоқда.

Ўтган йили юртимиз ёшлари топ-500 талик олийгоҳларга кириш бўйича Марказий Осиёда биринчи ўринни эгаллагани барчамизни албатта қувонтиради.

Айниқса, фарзандлари дунёдаги энг нуфузли университетларда таълим олаётган ота-оналарнинг хурсандчилигини сўз билан ифода қилиб бўлмайди.

Шу ўринда бу йилдан бошлаб мактабларимизда катта бир ижобий ҳолат кўзга ташланаётганини алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман. Яъни, юртимиздаги 3 та мактаб олийгоҳларга кириш бўйича 100 фоизлик натижага эришди. Булар – Қоракўл туманидаги мактаб-интернат, Навоий шаҳридаги 1-сонли ихтисослашган мактаб-интернат, Жиззах шаҳридаги Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги ижод мактаби.

Бу, албатта, «Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади» деган эзгу ғоямизнинг амалдаги ифодасидир. Ишонаман, бундай натижалардан юртимиздаги бошқа мактаблар ҳам албатта ўрнак олади. Барча таълим даргоҳларига Учинчи Ренессанс нафаси янада кучлироқ кириб боради.

Сўнгги йилларда тиббиёт учун маблағларни 6 карра оширдик, сифатли тиббий хизматларни маҳаллагача туширдик.

Одамларимиз юқори технологик тиббий хизматлар учун олдин фақат пойтахтга келарди. Ҳозир бундай амалиётларнинг 400 дан ортиғи вилоят ва туманларнинг ўзида бажарилмоқда.

Касалликларни профилактика қилиш, аҳоли ўртасида соғлом ҳаёт тарзини қарор топтиришга катта аҳамият қаратяпмиз.

Аҳолининг турмуш шароитлари яхшиланиб бораётгани натижасида ўртача умр кўриш даражаси 73,8 ёшдан 75,1 ёшга узайди.

Биз таълим-тарбия учун, аҳоли саломатлиги учун, муаллим ва шифокорларни қўллаб-қувватлаш учун қанча куч ва қанча маблағ керак бўлса, барчасини сафарбар этамиз!

Қадрли юртдошлар!

Бугунги ёшларимизнинг овози, ғоя ва ташаббуслари, куч-ғайрати барча соҳа ва тармоқларга чуқур кириб бормоқда. Улар халқимизнинг неча йиллик орзу-армонларини реал ҳақиқатга айлантирмоқда.

Ёшларимизнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни, она тили билан бирга чет тилларини пухта ўрганишлари учун имкониятлар тобора кенгайиб бормоқда.

Бугун даврамизда саноат, сервис, қишлоқ хўжалиги, IT, илм-фан, маданият ва спортда катта ютуқларга эришаётган ўғил-қизларимизни кўриб турганимдан хурсандман.

Мана, футбол бўйича миллий терма жамоамиз мамлакатимиз тарихида илк бор жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритиб, кўп йиллик орзу-умидимизни рўёбга чиқарди.

Талаба ёшларимиз эса Халқаро ёзги универсиада ўйинларида 116 та давлат орасида илк бор топ-15 таликка кирди, Марказий Осиёда биринчи ўринни эгаллади.

Ушбу байрам арафасида 19 ва 22 ёшли боксчиларимиз Осиё чемпиони деган юксак унвонга сазовор бўлиб, ўзбек бокс мактабининг шуҳратини дунёга яна бир бор намоён этди.

Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, Ўзбекистонни чинакам спорт мамлакатига айлантириш мақсадида истиқболли ўғил-қизларимизга атаб Тошкентда улкан Олимпия шаҳарчасини барпо этдик.

Мамлакатимиз тарихида биринчи марта замонавий таълим ва билим берадиган Футбол академияси қад кўтарди.

Ишончим комил, замонавий спорт архитектурасининг ноёб дурдонаси бўлган ушбу мажмуалар минглаб бўлғуси чемпионларимиз учун юксак парвоз майдонига айланади.

Шу йилнинг ўзида ёшларимиз нуфузли халқаро фан олимпиадаларида 2 та олтин, 8 та кумуш, 5 та бронза медалини қўлга киритди. Биз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасида кимёдан – иккинчи, математика ва иқтисодиётда – учинчи, IT ва география бўйича тўртинчи ўринни эгаллаган ўғил-қизларимиз тимсолида бўлғуси хоразмийлар, берунийлар, ибн Синоларни кўрамиз.

Сафлари тобора кенгайиб бораётган бундай интилувчан, истеъдодли ёшлар – Янги Ўзбекистоннинг олтин авлоди, ғururimiz тимсолидир.

Бугунги унутилмас дамларда мен бутун Ўзбекистон ёшларига қарата айтмоқчиман.

**Азиз фарзандларим, доимо ёдда тутинг:**

**бахт – интилганники, ғалаба – курашганники!**

**Келажакни мардлар, тарихни ғолиблар яратади.**

**Ҳамиша олдинга қараб интилинг, баҳодир ўғлонларим, оқила қизларим!**

**Сизларнинг эзгу ишларингизда Ватан, халқ, Президент барчангизга ҳамиша ишончли таянч ва суянч бўлади.**

Ҳурматли юртдошлар!

Янги Ўзбекистон инсон қадри устувор бўлган ҳуқуқий давлат ва шундай бўлиб қолади.

Биз одил судловга эришиш учун суд ишларини тўлиқ рақамлаштириш, инсон омилини камайтириб, сунъий интеллектдан кенг фойдаланиш борасида фаол иш олиб бормоқдамиз. Иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича суд биносига бориб ўтиришга ҳожат қолмайди – тарафлар судда онлайн иштирок этади, судларда очиқлик, ошкоралик таъминланади. Қисқача айтганда, мамлакатимиз «рақамлашган ва адолатли суд даври» остонасида турибди, десак, муболаға бўлмайди.

Охирги уч йилда судланган шахсларнинг 70 фоизига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди. Уч мингга яқин фуқарога эса оқлов ҳукми чиқарилди. Жазо муддатини ўтаётган ва тузалиш йўлига қатъий кирган уч мингдан зиёд юртдошимиз афв этилди.

Куни кеча яна ана шундай 523 нафар ҳамюртимизни ўз оиласи бағрига қайтариш бўйича фармонни имзоладим.

Бундай тарихий қадамлар вақтинчалик кампания эмас, балки давлат сиёсати даражасидаги узлуксиз жараёндир. Биз **«Ватан учун, миллат учун, халқ учун!»** деган эзгу ғоя асосида бу ишларимизни янги, юксак босқичга олиб чиқамиз.

Халқимиз фаровонлигига салбий таъсир қилаётган коррупция, монополия, бюрократия, дабдабабозлик, маънавий таҳдидларга қарши курашни кескин давом эттирамиз.

Муҳтарам юртдошлар!

Жаҳонда геосиёсий вазият ўта кескин тус олаётганини барчамиз кўриб турибмиз. Бундай таҳликали даврда Ўзбекистоннинг сиёсий йўли қандай бўлиши керак? Шиддат билан ўзгараётган халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўринни эгаллаш учун нима қилишимиз зарур? Бу саволлар ҳар бир юртдошимизни ўйлантиради, албатта.

Ҳозирги мураккаб шароитни ҳисобга олиб, мустақиллигимизни, юртимиздаги тинчлик, миллатлар ва динлар ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш учун келгусида ҳам бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Бугун Ўзбекистоннинг овози минтақавий ва халқаро майдонда тобора баланд янграмоқда. Юртимиз жаҳондаги кўплаб нуфузли саммитлар, халқаро форумлар ўтадиган сиёсий марказлардан бирига айланди. Бу анжуманлар Ўзбекистоннинг дунё аҳлини тинчлик ва ҳамкорликка чорлайдиган эзгу даъвати сифатида намоён бўлмоқда.

Шу ўринда ташқи сиёсат борасидаги позициямизни яна бир бор таъкидламоқчиман.

Энг аввало, Марказий Осиё давлатлари билан кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва ўзаро ишонч руҳидаги алоқаларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқамиз.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мамлакатлари билан анъанавий, кенг қамровли ва стратегик шериклик алоқаларини янада кенгайтирамиз.

АҚШ, Европа ва бошқа ривожланган давлатлар билан савдо-иқтисодий, молиявий, инвестициявий ва технологик ҳамкорликни ривожлантириш, кенг кўламли шериклик ва амалий алоқаларни мустаҳкамлаймиз.

Жанубий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ, Африка минтақасидаги мамлакатлар билан янги ва истиқболли йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун транспорт-логистика йўлакларини яратишга алоҳида эътибор қаратамиз.

Афғонистон минтақавий ва глобал хавфсизликнинг муҳим омили эканидан келиб чиқиб, ушбу мамлакатнинг ҳукумати билан конструктив ва амалий ҳамкорлик олиб бориш зарур, деб биламиз.

Биз Фаластин халқи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти резолюциялари билан тасдиқланган ҳуқуққа, яъни, ўзининг мустақил давлатини барпо этиш ҳуқуқига эга, деган қатъий позициямизни яна бир бор билдирамиз.

Эл-юртимиз уруш ва офатлар вақтида оғир вазиятга тушиб қолган бегуноҳ инсонларга доимо беғараз ёрдам кўрсатиб келган.

Биз инсонпарварлик анъаналаримизга содиқ қолиб, Ўзбекистонга олиб келинган Фаластин фуқароларига меҳмонларимиз сифатида зарур ижтимоий, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш бўйича махсус фармон қабул қилдик.

Бағрикенг, меҳр-оқибатли халқимиз ушбу фармонда кўзда тутилган чора-тадбирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларни амалга оширишда фаол иштирок этади, деб ишонаман.

Нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, молия институтлари билан яқин ҳамкорлик доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Шу кунларда Хитойда яна бир йирик анжуман – Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитида, унинг доирасида кўплаб учрашув ва тадбирларда иштирок этамиз.

Шу сабабли Мустақиллик байрамини бугун сиз, азизлар билан, халқимиз билан биргаликда нишонлаб, эл-юртимиздан дуо олиб, эртага йўлга чиқишни режа қилганмиз. Ҳеч шубҳасиз, ана шу саммит натижалари ҳам Янги Ўзбекистоннинг дунёдаги ўрни ва мавқеини юксалтиришга, кўп векторли ташқи сиёсат бўйича стратегик мақсадларимизни амалга оширишга хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, тантанамизда иштирок этаётган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига, халқаро ташкилотлар вакилларига самарали ҳамкорлик учун чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Муҳтарам дўстлар!

Олдимизда қандай синов ва машаққатлар пайдо бўлмасин, биз демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, миллий бирлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, халқимизни рози қилиш йўлидан асло ортга қайтмаймиз. Бошлаган буюк ишларимизни албатта охирига етказамиз.

**Ҳеч қачон унутмайлик: биз барчамиз битта халқ, битта мамлакат, битта оиламиз!**

**Ҳаммамизнинг тақдиримиз, келажагимиз, бахтимиз ва ютуғимиз ҳам ягона ва муштарак.**

**Ҳар бир ватандошимнинг ютуғи – бу менинг ютуғим, ташвиши – менинг ташвишим, деган фикр билан яшасак, ютуғимиз кўпайиб, ташвишимиз албатта камайиб боради.**

Афсуски, дунёда турли таҳдид ва хатарлар кўп. Аммо уларга қарши биргаликда, бир тану бир жон бўлиб курашсак, албатта енгамиз.

Эзгу мақсад сари қўлни қўлга бериб, астойдил ҳаракат қилсак, албатта ютамиз.

Ҳар бир юртдошимиз ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган мана шундай ўткир талабларни чуқур англаб, жонажон Ватанимиз равнақи йўлида сидқидилдан хизмат қилади, деб ишонаман.

Бу улуғ айёмда Янги Ўзбекистонни барпо этишдек олижаноб ишга муносиб ҳисса қўшаётган барча инсонларга, меҳнаткаш, бағрикенг халқимизга миннатдорлик билдириб, чин қалбимдан таъзим қиламан.

Муҳтарам ватандошларим!

Барчангизни Мустақиллик куни билан яна бир бор самимий табриклаб, юрагимдаги энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Оллоҳ таоло азиз юртимизни ўз паноҳида асрасин!

Ҳар бир инсон, ҳар бир оилага тинчлик ва хотиржамлик, қут-барака, бахт-саодат ҳамиша ёр бўлсин!

Яшасин Ўзбекистон давлати!

Яшасин Ўзбекистон халқи!

**Бутун дунёни қидириб, гўзал хулқдан кўра яхшироқ лаёқатни топмадим.**
*Жалолиддин Румий*



# САХОВАТ ВА БИРДАМЛИКДА

## МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 34 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН» БОҒИДА БАЙРАМ ТАНТАНАСИ БЎЛИБ ЎТДИ




Миллий ўзлик, маънавий қадриятлар ҳамда чин маънода инсон тақдирига эҳтиромни акс эттирувчи ислоҳотлар ортида мустақиллик тушунчаси акс этади.

«Ватан учун, миллат учун, халқ учун!» шиорининг моҳияти ҳам айни мақсадларни ўзида жамлагани билан ажралиб туради. Бугун Ватан учун эркагу аёл, миллат учун кекса-ю ёш, халқ учун раҳбардан ходимгача садоқат билан хизмат қиладиган кунлар келди.

Ҳар бир гўшанинг ҳар қарич ерини яшилликка буркаш, она тупроққа меҳр билан муносабатда бўлиш, томчиларга боғларни жойлаш мақсадлари қалбларга сингиб бормоқда. Шу орқали Мустақиллик эл бирдамлиги билан янада кўркам тус олаётганига гувоҳ бўламиз.

Президент Шавкат Мирзиёев бутун халқимизни, хориждаги ватандошларимизни давлатимиз мустақиллигининг 34 йиллик шонли санаси билан табриклади.

– Бугун, мана шу улуғ айём кунларида ҳаммамиз бир ҳаётий ҳақиқатни чуқур ҳис этмоқдамиз. Янги Ўзбекистон ғояси асосида бошлаган улкан ислоҳотларимиз туфайли мустақиллик берган ҳуқуқ ва эркинликларни ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаётида чуқур ҳис қилиб, бу имкониятлардан кенг фойдаланмоқда. Айнан ана шу улуғвор ғоя асосида биз уч минг йиллик бой тарих ва маданиятимизни қайтадан идрок этдик. Юртимиз заминидаги Биринчи ва Иккинчи Ренессанс анъаналарини ривожлантириб, Учинчи Ренессанс сари дадил амалий қадамлар қўймоқдамиз.

Ишончим комил, бу йўлда Янги Ўзбекистон давлати, Янги Ўзбекистон жамияти буюк тарихимизни янги – янада юксак Уйғониш даври билан боғлайдиган мустаҳкам кўприк бўлиб хизмат қилади, – деди давлатимиз раҳбари.

Мустақиллик, аввало, кучли иқтисодиёт билан мустаҳкам. Шу маънода, Президентимизнинг нутқида кўплаб муҳим натижалар айтиб ўтилди.

Дунёдаги мураккаб вазиятга қарамасдан, мамлакатимиз иқтисодиёти 6 фоиздан юқори суръатларда барқарор ўсмоқда. Кейинги саккиз йилда ялпи ички маҳсулот 2 карра ошиб, ўтган йили 115 миллиард долларга, экспорт ҳажми 26 миллиард долларга етган. Йил якуни билан ялпи ички маҳсулотимиз 130 миллиард доллар бўлиши кутилмоқда. Давлатимизнинг олтин-валюта захиралари илк бор 48 миллиард доллардан ошган. Сўнгги саккиз йилда юртимизга қарийб 130 миллиард доллар хорижий инвестициялар кириб келган.

Халқимизнинг кўз ўнгида минглаб замонавий корхоналар, ижтимоий-иқтисодий инфратузилма объектлари қад ростламоқда. Бу йил жами 35 миллиард доллар инвестиция эвазига 9 мингга яқин янги корхона, хизмат кўрсатиш мажмуалари барпо этилади.

Ўтган даврда биргина кичик ва ўрта тадбиркорлар сони 2 карра кўпайган. Бугун ушбу тармоқда 10 миллиондан ортиқ аҳоли меҳнат қилиб, даромад топмоқда.

Йил бошидан бери 5 миллион аҳолининг бандлиги таъминланди. Шу йилнинг ўзида четда ишлаётган 700 минг фуқаро юртимизга, ўз оиласи бағрига қайтди.

Ўзбекистон дунёга кенг очилгани натижасида хорижий сайёҳлар сони ўтган йили 10 миллион кишидан, туризм хизматлари экспорти эса 3 миллиард доллардан ошди.

Иқтисодиёт ривожланиши, аҳоли кўпайиши билан хавфсиз ва барқарор энергия ресурсларига талаб ортяпти. Шунинг учун «яшил» энергия улушини ошириш бўйича мисли кўрилмаган қадамлар қўйилди.

Натижада электр ишлаб чиқариш қувватлари 2016 йилдаги 59 миллиард киловатт-соатдан 85 миллиард киловатт-соатга етди, келаси йилда бу 97 миллиард киловатт-соатдан зиёдни ташкил этади.

Шу йилнинг ўзида 6,5 миллиард киловатт-соат «яшил» энергия ишлаб чиқарилди. Энг муҳими, жами генерация қувватларида «яшил» энергия улуши 30 фоизга етди. 2030 йилгача яна 35 миллиард доллар тўғридан-тўғри инвестиция ҳисобидан «яшил» энергия улушини 54 фоизга олиб чиқиш режалаштирилган.

Ижтимоий соҳалар ҳам ривожлантирилиб, аҳолининг турмуш шароитлари яхшиланмоқда. Кейинги саккиз йилда юртимизда қарийб 12 мингта кўпқаватли уй-жой барпо этилди. Жорий йил «Янги Ўзбекистон» ва бошқа массивларда яна 130 минг хонадонли замонавий уй-жойлар қурилиб, аҳолига топширилади.

Ижтимоий ҳимоя сиёсати эҳтиёжманд инсонларга мадад бўлмоқда. «Ҳамроҳлик дастури»га мувофиқ, ота-она меҳридан маҳрум бўлган 11 минг нафар боланинг таълим, касб-ҳунар, спорт тизимига қамраб олингани муҳим натижа бўлди. Эҳтиёжманд оилаларнинг 2,5 миллиондан зиёд аъзоларига 110 турдаги ёрдам ва хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилди. Буларнинг барчаси ўз самарасини бериб, юртимизда камбағаллик даражаси 6,8 фоизга тушди.

Сифатли таълим ва аҳоли саломатлиги – келгуси тараққиётни ҳал қилувчи энг муҳим масала. Шу мақсадда сўнгги саккиз йилда хусусий сектор билан бирга боғчалардаги ўринлар сони 2,5 миллионтага, қамрови эса 78 фоизга етказилди. Мактабларда қўшимча 1 миллионта ўқувчи ўрни яратилди. Олий таълимда қамров 9 фоиздан 42 фоизга ошди.

Сўнгги йилларда тиббиёт учун ажратилаётган маблағлар 6 карра оширилди, сифатли тиббий хизматлар маҳаллагача туширилди. Юқори технологик амалиётларнинг 400 дан ортиғи вилоят ва туманларнинг ўзида бажарилмоқда. Аҳолининг турмуш шароитлари яхшиланиб бораётгани натижасида ўртача умр кўриш даражаси 73,8 ёшдан 75,1 ёшга узайгани қайд этилди.

Мамлакатимиз ўғил-қизлари саноат, илм-фан, маданият ва спортда катта ютуқларга эришаётгани таъкидланди. Уларни эътироф этиб, Президентимиз бутун Ўзбекистон ёшларига қарата шундай деди:

«Азиз фарзандларим, доимо ёдда тутинг: бахт – интилганники, ғалаба – курашганники! Келажакни мардлар, тарихни ғолиблар яратади. Ҳамиша олдинга қараб интилинг, баҳодир ўғлонларим, оқила қизларим! Сизларнинг эзгу ишларингизда Ватан, халқ, Президент барчангизга ҳамиша ишончли таянч ва суянч бўлади!».

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида геосиёсий вазиятга ҳам тўхталди. Ўзбекистоннинг овози минтақавий ва халқаро майдонда тобора баланд янграётгани, юртимизда кўплаб нуфузли саммитлар ўтаётгани таъкидланди. Шу ўринда Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат борасидаги позицияси яна бир бор қайд этиб ўтилди.

Президентимиз байрамда қатнашаётган хорижий давлатларнинг элчиларини, халқаро ташкилотлар вакилларини самимий қутлаб, самарали ҳамкорлик учун ташаккур изҳор қилди.

Сўзининг якунида Шавкат Мирзиёев юртимиздаги ўзгаришлар давом эттирилишини таъкидлаб, халқимизни бирлик ва фидойиликка даъват этди.

– Биз барчамиз битта халқ, битта мамлакат, битта оиламиз! Ҳаммамизнинг тақдиримиз, келажагимиз, бахтимиз ва ютуғимиз ҳам ягона ва муштарак. Ҳар бир ватандошимиз ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган ўткир талабларни чуқур англаб, жонажон Ватанимиз равнақи йўлида сидқидилдан хизмат қилади деб ишонаман, – деди Президент.

Шундан сўнг байрам шодиёнаси катта концерт дастури билан давом этди. Куй-қўшиқларда халқимизнинг бой санъати ва қадриятлари, бугунги шукроналик ҳисси ва келгуси орзу-интилишлари намоён бўлди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
*ЎзА мухбири*



# ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН КУРАШГАН ҚАҲРАМОН АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИ – УЛКАН ИБРАТ МАКТАБИ

**Мустақил мамлакатда, озодлик ва осойишталик муҳитида яшаб, байрамлар қилар эканмиз, бу кунларни соғинган, бунинг учун курашган инсонлар беихтиёр ёдимизга тушади. Миллатнинг хотираси, ғурури, виждони борки, уларнинг фидойилиги беиз кетмайди, авлодлар томонидан ҳамиша эъзозланади.**

Истиқлол байрами арафасида ўтадиган Қатағон қурбонларини ёд этиш кунида ана шундай теран моҳият мужассам.

Ушбу сана муносабати билан 29 август куни Шаҳидлар хотираси хиёбонига давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нуронийлар, зиёлилар йиғилди.

Маросимда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Ватан фидойилари ҳақига Қуръон тиловат қилинди. Элга ош тортилди.

Хиёбондаги рамзий қабр ёнида ҳам Қуръон тиловат қилинди. Шу ерда уламо ва зиёлилар билан тарихни ўрганиш ва ёшларга ўргатиш, мустақиллик ва тинчликни қадрлаш ҳақида мулоқот бўлди.

– Ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида Ватан озодлиги йўлида жон фидо этган ота-боболаримиз ҳақларига дуо қиламиз. Ватан учун, миллат учун, халқ учун курашган қаҳрамон аждодларимиз жасорати биз учун доимо ибрат мактаби бўлиб қолади, – деди давлатимиз раҳбари.

Маълумки, ўша машъум йилларда 100 мингдан зиёд бегуноҳ ватандошимиз қатағон қилинган. Минглаб юртдошларимиз «халқ душмани» деган ноҳақ айблов билан отиб ташланган, ундан ҳам кўпи сургун қилинган. Уларнинг ортидан минглаб аёллар бева, болалар етим бўлиб қолган. Орадан қарийб бир аср ўтган бўлса-да, ўша мудҳиш даврни чуқур изтироб билан эсга оламиз.

Булар бугунги эркин ҳаётимизни янада қадрлашга, мустақилликни мустаҳкамлашга ундаши таъкидланди.

– Ватанимиз фидойиларини улуғлаш, хотирасини абадийлаштириш бўйича кўп ишлар қиляпмиз, – деди Шавкат Мирзиёев. – Сўнгги саккиз йилда 1 минг 200 дан зиёд жафокаш боболаримиз номи оқланди. «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи реконструкция қилиниб, минглаб янги ҳужжатлар билан тўлдирилди. Ҳудудларда ҳам шундай музейлар ташкил этилди. Бу йил жадидчилик ҳаракатининг йўлбошчиси Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 150 йиллигини нишонлаяпмиз. Бухоро шаҳрида Жадидлар мероси давлат музейи ташкил қилинмоқда.

Энди буларнинг мазмунини, «тирик» тарихимизни халқимизга кенгроқ етказиш керак.

Мана, ўтган йилдан эътиборан, ҳар йили октябрнинг биринчи ҳафтасини Сиёсий қатағон қурбонларини ёд этиш ҳафталиги сифатида белгиладик. Бу йил ушбу тадбир Хотира ва тарбия ҳафталиги сифатида ўтказилади. Хўш, бу ҳафталикда халқимизга нималарни етказамиз, ёшларимизга нимани ўргатамиз? Тарихчи олимлар, ёзувчи-шоирлар билан бирга буни чуқурроқ ўйлаб, халқчил, оммабоп қилиб йўлга қўйиш керак. Мактаб ва университетларда қўшимча дарслар, телеканалларда махсус кўрсатувлар бериш, ёшлар ўртасида танловлар ўтказиш мумкин. Мустақиллик қандай буюк неъмат эканини, қандай кучли аждодларимиз борлигини элнинг қон-қонига сингдириш керак. Агар ёшларимиз руҳан кучли бўлса, ўз олдига катта мақсадлар қўяди, фанларниям яхши ўрганади, етук шахслар бўлиб етишади.

Бу борада миллат ойдинлари ҳаётини ўрганиш ғоят муҳим экани таъкидланди.

– Жадид боболаримиз ҳар соҳада илғор эди. Биринчи ўзбек романи, театр ва кино асарлари, турли фанлар бўйича дарсликларни айнан улар яратган. Ўтган асрнинг 20-йилларида Германияда таҳсил олган туркистонлик талабалар қатағон қилинмаганида, бутун жамиятни ўзгартирарди. Бор тарихимизни тўғри етказа олсак, ёшларимиз бошқа қаҳрамон изламайди, етук боболаримиз бунинг учун тайёр намуна, – деди Президент.

Бундай маънавий асос умуммиллий бирлик ва барқарорлик учун ҳам зарур. Бугун дунёдаги вазият таҳликали бўлиб боряпти. Давлатларнинг мустақиллигига таҳдидлар пайдо бўляпти. Буларнинг барчаси биздан доимо огоҳ ва ҳамжиҳат бўлиб, ислоҳотларни изчил давом эттиришни талаб қилади.

Яратганга шукрлар бўлсинки, юртимиз тинч, одамлар эртанги кунга ишонч билан яшаяпти. Бу – энг катта бойлигимиз.

Уламолар юртимиздаги шу тинчлик-хотиржамлик, файзу барака барқарор бўлишини тилаб дуолар қилишди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев «Янги Ўзбекистон» боғига ташриф буюриб, Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Юртимизнинг қадимги тарихидан то бугунигача бўлган энг муҳим воқеалар, буюк аллома ва жаҳонгир боболаримиз сиймолари акс этган мазкур мажмуа Мустақиллик рамзига айланган. Унинг энг юқори қисмидаги Ҳумо қуши мамлакатимиз герби, халқимизнинг эзгу қадриятларини ифодалайди.

Давлатимиз раҳбари мазкур монумент она Ватанимиз, мард ва жасур, тинчликсевар ва меҳнаткаш, қаҳрамон халқимиз шарафига бунёд этилган буюк обида эканини таъкидлаган эди.

Мустақиллик монументи пойига гул қўйиш маросимида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Тошкент шаҳар жамоатчилиги вакиллари ҳам иштирок этди.

**ЎзА**

# ЯНГИ ЕРОСТИ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛИ ОЧИЛДИ, ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИДА ЭСА ҚУРИЛИШ ЯКУНЛАНМОҚДА

**Президент Шавкат Мирзиёев 29 август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.**

Ҳар йили халқимиз Мустақиллик байрамига яхшилик ва янгиликлар билан қадам қўймоқда. Бу йил ҳам юртимиз манзилларида кўплаб иқтисодий-ижтимоий иншоотлар фойдаланишга топширилди, айримларида қурилиш ишлари якунланмоқда.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Янги Ўзбекистон кўчасида барпо этилган ерости автомобиль йўлини кўздан кечирди.

Йўл инфратузилмасини ривожлантириш ва транспортлар ҳаракатига қулайлик яратиш – мунтазам жараён. Бу, айниқса, аҳоли сони ошиб, ҳудуди кенгайиб бораётган Тошкент учун долзарб масала.

Хусусан, сўнгги йилларда Янги Ўзбекистон кўчасида истироҳат боғи, уй-жойлар, университет ва Олимпия шаҳарчаси қурилди. Бу кўча келгусида Янги Тошкент шаҳрига олиб борувчи асосий йўллардан бири бўлади.

Шу боис, Янги Ўзбекистон кўчаси бўйлаб узунлиги 468, кенглиги 25 метр бўлган ерости автомобиль йўли барпо этилди. У соатига 10 мингдан зиёд автомобилни ўтказиш имкониятига эга.

Туннелнинг усти яшил ҳудудга айлантирилиб, «Янги Ўзбекистон» боғи билан Олимпия шаҳарчаси ўртасида пиёдаларнинг хавфсиз ҳаракатланиши таъминланди.

Шунингдек, мазкур йўналишда лойиҳалаштирилган метро йўли учун туннель ва бекат ҳам қурилди.

Айтиш жоизки, юртимизда амалга оширилаётган ҳар бир лойиҳада экологик жиҳатлар алоҳида инобатга олинади. Янги Ўзбекистон кўчасида барпо этилган ерости автомобиль йўли машиналарнинг вақт сарфини 2 баробарга қисқартириб, кунига 1 тонна ёнилғи иқтисод қилинишига ва атмосферага чиқариладиган зарарли газлар миқдори 2 тоннага камайишига сабаб бўлади.

Давлатимиз раҳбари ерости автомобиль йўлининг замонавий стандартлар асосида ташкил этилганига эътибор қаратди. Бу каби равон йўллар халқимизга қулайлик яратиб, туризм ривожига ҳисса қўшиши қайд этилди.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида ҳам қурилиш жадал давом этмоқда.

Мазкур улкан ва ноёб лойиҳа Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 23 июндаги қарорига биноан бошланиб, 2018 йилги Рамазон ҳайити куни унга пойдевор қўйилган эди. Бугунги кунда бунёдкорлик ишлари якуний босқичга кирган.

Президент Шавкат Мирзиёев марказга ҳам ташриф буюриб, сўнгги пардозлаш ва жиҳозлаш ишларини кўздан кечирди.

Маҳобатли иншоот қадимги меъморий обидаларимиз шаклида бунёд этилмоқда. Миллий гумбаз ва пештоқлар, нақшларнинг ажойиб уйғунлиги унга алоҳида кўрк бағишлаган. Мажмуанинг тўрт томонида баландлиги 34 метрли пештоқлар, ўртада 65 метрли гумбаз қурилган.

Марказнинг энг асосий қисмида Қуръони Карим зали бунёд этилмоқда. Бу ерда мусулмон дунёсининг маънавий дурдонаси – қадимий Усмон Мусҳафи жойлаштирилади. Шунингдек, сомонийлар, қорахонийлар, хоразмшоҳлар, Ўзбекхон, темурийлар ва бошқа тарихий сулолалар даврида битилган муқаддас китобимиз нусхалари ва уларнинг эски ўзбек тилидаги таржималари қўйилади. Жаҳондаги энг нодир қўлёзма Қуръонлардан намуналар ҳам ўрин олади.

Президентимиз ушбу залдаги сўнгги пардозлаш ишларини кўриб, мутасаддиларга ўз тавсияларини берди.

Марказда 460 ўринли анжуманлар зали ҳам қуриб битказилди. Бу ерда турли халқаро учрашувлар, анжуманлар ўтказиш учун барча шароит яратилган, энг сўнгги русумдаги техника воситалари билан жиҳозланган.

– Ўзбекистон улуғ тарихга эга. Буюк аждодларимиз томонидан яратилган илмий ва маданий мерос инсоният тарихида ўчмас из қолдирган. Улар билан дунё ҳамжамиятини хабардор қилишда ушбу марказнинг ўрни беқиёс бўлишига ишонаман, – деди Шавкат Мирзиёев.

Мажмуада «Исломдан аввалги цивилизациялар», «Биринчи Ренессанс даври», «Иккинчи Ренессанс даври», «Ўзбекистон XX асрда», «Янги Ўзбекистон – янги Ренессанс» каби бўлимлар ташкил этилади. Мазкур даврлар тарихи турли ашёлар, қўлёзма манбалар, суратлар ва мультимедиа воситалари орқали намойиш этилган. Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Бурҳониддин Марғиноний, Маҳмуд Замахшарий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Али Қушчи каби аллома ва мутафаккирларнинг серқирра фаолияти ҳақида маълумот берилган. Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Абу Муин Насафий, Қаффол Шоший, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор Валий каби уламоларнинг ислом маърифатига қўшган ҳиссаси атрофлича ёритилган.

Айни вақтда мажмуада Бибихоним, Хонзодабегим, Гавҳаршодбегим, Гулбаданбегим, Нодирабегим, Увайсий, Анбар Отин каби тарихимизда чуқур из қолдирган машҳур аёлларнинг илм-маърифат ҳомийси сифатидаги фаолияти ҳам ўз ифодасини топган.

Марказда улуғ аждодларимиз меросини чуқур тадқиқ қилиш, уни бугунги куннинг ўткир муаммоларига жавоб бера оладиган ҳаётбахш кучга айлантириш зарурлиги таъкидланди. Бунинг учун Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий номидаги ва бошқа халқаро илмий-маърифий ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилади, замонавий таҳдидларга муносиб илмий жавоблар топилади.

Давлатимиз раҳбари марказдаги бунёдкорликни юқори баҳолаб, унинг фаолиятини тўғри ташкил этиш, маъно-мазмунини бойитиб бориш юзасидан кўрсатмалар берди.

– Саккиз йил давомида бу ерда катта меҳнат қилинди. Шундай салобатли ва чуқур мазмунли марказ қурдик. Бу ерга келадиган меҳмонлар халқимизнинг бой тарихи, аждодларимиз билим ва тафаккурига тан беради, ўзига катта маънавий қувват олади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз марказга туташ ҳудудда барпо этилган савдо ва хизмат кўрсатиш иншоотлари билан ҳам танишди. Бу келгусида туризмни ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Абдулазиз РУСТАМОВ,**
*ЎзА мухбирлари*

*Кўз билан кўрган эшитгандан афзалроқдир.*
*Абу Райҳон Беруний*

2025-YIL 30-AVGUST
SHANBA
№ 108 (5172)

# ҚУЁШ ЮРТИ ХОРАЗМ



**Абдусаид КЎЧИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси**

<<< 1

**2**

Ҳа, 11 йил мўғул босқинчиларига қарши курашган, 32 йиллик умрида 300 дан ортиқ жангларда иштирок этиб, душманларга қақшатқич зарбалар берган паҳлавон саркарда, ботирларнинг Ботири, мардларнинг Марди, алпларнинг Алпи эди Султон Жалолиддин Мангуберди.

Ватан мустақиллиги туфайли қаҳрамонлиги афсоналарга айланиб кетган саркарданинг хотирасини абадийлаштиришга алоҳида эътибор берилди. Давлатимизнинг юксак мукофотларидан бири – Жалолиддин Мангуберди ордени таъсис этилди. У ҳақда кинолар яратилди, шеъру достонлар ёзилди. Урганч шаҳрининг қоқ белида улкан мажмуа бунёд этилди. Мажмуа ўртасига саркарданинг бўйи 25 метрни ташкил этган салобатли ҳайкали ўрнатилди. Ҳайкал ёнига Жалолиддин Мангуберди битиктошининг нусхаси қўйилди. Эрон ҳудудидан келтирилган, оғирлиги 32 килограмм, баландлиги 30 сантиметр бўлган бу тошда Қуръони карим оятлари, Жалолиддин Мангуберди шажараси ёзилган.

Мазкур ёдгорлик мажмуасини бунёд этиш ғояси 2018 йилда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган эди. Муборак ташаббус хоразмликлар томонидан қўллаб-қувватланди. Қисқа даврда қарийб 8 гектарлик ҳудуд бутунлай янгидан бунёд этилди. Бу ерга 18 мингга яқин манзарали дарахт кўчатлари, гуллар экилди. Шаҳарнинг марказий майдони остидан ўтадиган, тўрт қаторли, узунлиги 500 метр бўлган ноёб автомобиль туннели ишга туширилди.

2022 йилнинг 29 август куни эса ёдгорлик мажмуасининг тантанали очилиш маросими бўлди.

– Чақмоқдек қисқа умри мобайнида ўзбек халқига хос бўлган Ватанга чексиз муҳаббат ва садоқат, юксак ҳарбий салоҳиятни намоён этиб яшаган Жалолиддин Мангуберди каби буюк аждодларимиз билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак, арзийди, – деди мамлакатимиз раҳбари ҳайкалнинг очилиш маросимида. – Ишонаман, орадан йиллар, асрлар ўтади, Султон Жалолиддин ҳамиша юртимизни кўз қорачиғидек асрабавайлаш, унга фарзандлик меҳри, иймон-эътиқод билан хизмат қилишнинг ўчмас тимсоли бўлиб қолади.

Шундай бўлди!

Бир қўлида учқур тулпор жиловини маҳкам тутиб, иккинчи қўлида ўткир қиличини баланд кўтарганча Ватан ҳимоясига отланган Жалолиддин Мангуберди даҳоси эндиликда минг-минглаб қалбларни азим дарё – Жайҳун мисоли она Ватанга меҳру муҳаббат туйғулари билан тўлдирмоқда.

Ҳайкалнинг очилиш кунида Президентимиз яна бир хайрли ишга бош бўлдилар.

– Бугунги замонавий илм-фаннинг, электрон кашфиётларнинг туб замини ал-Хоразмий бобомизнинг мислсиз илмий мероси билан боғлиқ. Биз бу билан нафақат фахрланамиз, балки унга муносиб бўлишимиз керак. Шунинг учун Урганч шаҳрида буюк олим номи билан аталадиган алоҳида шаҳарча барпо этишга қарор қилдик, – дедилар ўшанда.

Давлат раҳбарининг шу сўзларидан кейин Урганч халқаро аэропортига ёндош 130 гектарлик майдонда ал-Хоразмий шаҳарчасига пойдевор қўйилди. Қурилишга давлат хазинасидан 500 миллиард сўм ажратилди.

Шаҳарчада 104 та кўпқаватли уй, Ал-Хоразмий номидаги янги университет, истеъдодли болалар учун ихтисослашган мактаб, технопарк, офислар, инновация ва маданий марказлар, мактаб ва боғчалар, спорт мажмуалари бунёд этилмоқда.

Ҳозирга қадар бу ерда 72 та уй қуриб битказилди, яна 40 та уйга бугун-эрта бахтиёр одамлар кўчиб киради. Ҳайкалтарош Баҳром Норбоев аллома бобомиз Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг улуғвор сиймосини яратди. Ҳадемай буюк бобомизнинг муаззам сиймоси шаҳарча ўртасида, терак бўйи баландликда, азамат чинор каби фалак билан бўйлашиб туради.

Самолётдан тушиб, шаҳарга қадам қўйган меҳмонлар дастлаб ал-Хоразмий даҳосига ҳурмат бажо келтирадилар, кейин эса жаҳон илму фани тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган Хоразм алломалари ҳузурига йўл оладилар. Хоразм эса даҳолар ўлкасидир.

**3**

Христофор Колумбдан беш юз йил олдин Атлантика уммони ортида қуруқлик, номаълум қитъа, яъни Америка борлигини айтиб, ернинг айлана шаклидаги харитасини яратган Абу Райҳон Беруний, араб тилининг мукаммал қонун-қоидаларини ишлаб чиққан, бутун мусулмон оламида Жоруллоҳ – Оллоҳнинг қўшниси, деган номга сазовор бўлган, сўзларни алифбо бўйича жойлаштириш усулини кашф этиб, Ўрта асрларнинг буюк лексикографи сифатида тан олинган ва асарлари араб мамлакатларида ҳозир ҳам қўлланма сифатида хизмат қилиб келаётган Маҳмуд Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Бурҳониддин Рабғузий, Ҳайдар Хоразмий, Сайфи Саройи, Роқим, Насимий, Андалиб, Огаҳий ва...

Бебаҳо илм маскани – Маъмун академиясининг ўзи бир дунё...

Бу академия X–XI асрларда Афинадаги «Платон», Бағдоддаги «Байт ул-ҳикмат» академиялари каби жаҳонга машҳур илмий даргоҳ эди. Бу ерда мавжуд барча диний ва дунёвий фанлар бўйича тадқиқот ва изланишлар олиб борилгани, минг-минглаб бебаҳо манбалар хазина янглиғ очилгани ҳам жаҳонга аён. Бу ерда ҳинд, юнон, араб олимларининг ишлари ўрганилган, «Батлимуси соний» – «Иккинчи Птолемей» деган фахрий ном олган Абу Наср ибн Ироқ, мантиқ, фалсафадан ташқари табобатда ҳам жуда машҳур бўлгани боис «Буқроти соний» – «Иккинчи Гиппократ» шарафига муносиб кўрилган Абулхайр ибн Ҳаммор каби алломалар Академия раҳбари Абу Райҳон Беруний билан ёнма-ён меҳнат қилганлар.

«Қадимги хоразмликлар астрономия илмини араблардан яхшироқ билганлар», деб ёзади Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида. «Бу фанни «ахтарвеник» – «юлдузшунослик» деб атаганлар», дейди яна олим хоразмликлар ҳақида тўлқинланиб.

Мазкур маълумотлар археологик тадқиқотлар натижаларида тасдиқланган. Чунончи, Тупроққалъа саройини қазиш пайтида мелодий III – IV асрларга оид, лойдан ясалган астрономик асбоблар топилган. Бу эса ўша даврларда Хоразмда муҳим астрономик кузатувлар олиб борилганидан далолат беради. Ҳатто, Қўйқирилган қалъада расадхона бўлган, деган тахминлар ҳам мавжуд. Маъмун академиясида яратилган илмий ғоялар, математика, астрономия, тригонометрияга оид тадқиқотлар жаҳонда илм-фан тараққиётига катта таъсир кўрсатибгина қолмай, балки Янги Дунёни очишда ҳам улкан роль ўйнади, Европа тараққиётига жуда катта ёрдам берди ҳамда жаҳон фани ва маданиятининг юксалишига улкан таъсир кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги фармонидан сўнг Академия қадимги мавқеини яна тиклай бошлади. Илм даргоҳи таниқли олимлар, фан арбоблари, жаҳоннинг машҳур академиялари билан мустаҳкам алоқа ўрнатди. Алқисса, Академия – халқаро илмий анжуманлар ўтказиладиган масканга айланди.

Мўътабар манзилни янада кўркам ва обод қилиш йўлидаги ишлар эса давом этмоқда. Ҳадемай Академия биноси олдидаги 2 гектарлик боғ «Буюк алломалар» номли очиқ осмон остидаги «смарт» музейига айлантирилади. Хоразм юртида камол топган буюк алломаларнинг ибратли ҳаёт йўли, бой ижодий мероси бир неча хорижий тилларда интерактив усулда сайёҳларга тақдим этилади.

Вилоятда ёш авлодни улуғ бобокалонлар руҳида тарбиялаш, уларнинг ўқиш-ўрганишлари учун керакли шарт-шароитларни яратишга бўлган эътибор ҳам тобора кучайиб бормоқда.

2 мингдан зиёд мактабгача таълим ташкилотлари, 555 та умумтаълим мактаблари фаолият юритяпти бугун Хоразмда. Таълим қамрови 82,9 фоизга етди. 2018 йилда бу кўрсаткич 27 фоиз эди. Бундан ташқари, 25 та касб-ҳунар мактаблари, 13 та техникум, 7 та коллеж, 4 та академик лицей ёшлар ихтиёрида. 8 та олийгоҳда таҳсил олаётган талабалар сони эса 54 мингга яқин. 2016 йилда олий таълим муассасаларининг сони 3 та бўлиб, уларда 8,5 минг нафар талабага ўқиш имкони бор эди, холос.

Вақти келиб, бу ёшлар орасидан Берунийлар, Хоразмийлар, Замахшарийлар ва Ошиқ Ойдин, Феруз, Бола Бахши, Ожиза каби олимлару фозиллар, созанда-ю хонандалар етишиб чиқса, не ажаб!

**4**

Хоразмни – Хоразм санъатисиз тасаввур қилиш қийин.

Хоразм мақоми, рақслари, бахшилари, халфаларини эслаганингиз ҳамоно дилингизда ўзгача шукуҳ уйғонади. Хоразм Шашмақомининг бизгача етиб келган шакли – олти мақом (Рост, Бузрук, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқ) тизими эса дунёда йўқ. Мақом санъати азалдан кўз қорачиғидек асралган Хоразмда. Ҳукмдорлар махсус қарорлар қабул қилган, фармонлар чиқарган. 1882 йилда қабул қилинган ҳужжатларнинг бирида шундай сўзлар бор: «Бизким Хоразм мамлакатининг Олий хоқони Муҳаммад Раҳимхон Соний қуйидаги Фармони Олийга имзо чекдик. Хоразм мақомлари халқнинг дахлсиз мулки, деб эълон қилинсин. Ушбу Фармони Олийга шак келтирган ва мақомларни камситган, ёйинки у(лар)ни бузуб ижро этган кимсалар қаттиқ жазолансин».

Мақом каби хоразмча рақсларни асраш ва улуғлаш ҳам воҳада халқ мулкига, уларни ривожлантириш эса барчанинг эътиқодига айланган. Тасаввур қилинг, хотин-қизларнинг билакларига қўнғироқчалар тақиб хиром этишлари, бошларидаги тақятузи, кўкракларига осилган шокилалар, пешоналарига боғланган манглай тузи, қулоқларидаги сирғалар, билакларидаги билакузукларнинг рақс усулларига мос равишда сеҳрли образга айланиб кетишлари қайси мамлакатда, қайси халқда бор? Бошига чугурма, устига тўқ рангли камзул кийган йигитларнинг бармоқларини қарсиллатиб, ғоз туриб ўйнашлари, гавда ва қўлларининг оҳангга мос титраши, елка қоқиб, чўкка сакраб, қайроқларда усул беришлари-чи?

Борми ер юзининг бирон жойида? Бундай сеҳрли рақслар дунё-дунё қувонч, ҳаяжон бағишлайди ҳар қандай юракларга.

«Чағаллоқ», «Норим-норим», «Оразибон», «Лазги»... Буларнинг ҳар бири бетакрор мўъжиза! Бола бахши, Ошиқ Ойдин, Жуманазар бахши, Қаландар бахшилар «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Авазхон», «Сайёдхон ва Ҳамро», «Қоракўз Ойим», «Гулруҳ пари» каби халқ достонларини куйлаганда; Хонимжон халфа, Онажон халфа, Бибижон халфа, Шарифа халфаларнинг жарангдор овозини эшитганда; Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов, Коммуна Исмоилова, Ортиқ Отажонов, Олмахон Ҳайитоваларнинг қўшиқларини тинглаганда сел бўлмасликнинг борми иложи?

Санъатга эътибор йилдан-йилга кучайиб бораётгани янаям қувончли. Вилоятда мусиқа мактаблари, театрлар очилди, устоз – шогирд анъанаси йўлга қўйилди. «Лазги» халқаро рақс фестивали, «Халқаро бахшичилик санъати» фестивали каби халқаро анжуманлар ўтказилди. «Лазги» оҳанглари қадим Хиванинг афсонавий миноралари узра акссадо берганида, жаҳоннинг турли бурчакларидан келган сайёҳлар қанчалар ҳаяжонга тушганини сўз билан ифодалаш қийин. Зеро, Хива ўзининг неча минг йиллик тарихида ҳеч қачон кўрмаган эди бундай гўзал байрамларни.

**5**

Хивани жаҳондаги энг қадимий шаҳарлардан бири, дейилади. Бу рост. Аммо унинг қачон пайдо бўлгани, неча ёшда экани, гарчанд, 2500 йиллиги нишонланган эса-да, ҳали-ҳануз аниқ-тиниқ маълум эмас.

XVII асрда яшаган тарихчи Худойберди бин Аваз Муҳаммаднинг ёзишича, шаҳарнинг асл номи Рамл бўлиб, қумлоқ деган маънони билдиради. Кейинчалик бу ном Хейвақ, ундан кейин Хивага айланади.

Шаҳар Хоразмдан Хуросонга бориладиган муҳим савдо йўлида жойлашгани учун Ўрта Шарқ, Марказий Осиё ва Волга бўйидаги кўпгина шаҳарларнинг ўзаро боғланишида муҳим роль ўйнаган. Ғарбий Эрон, Озарбайжон, Ироқ, Самарқанд, Ҳирот каби давлат ва шаҳарларда зарб қилинган 147 та тангадан иборат хазинанинг топилгани бу заминда азалдан савдо алоқалари ривожлангани ва пул муносабатлари бўлганидан дарак беради. Шу боис, «Хива Хоразмда деҳқончилик, саноат, тўқувчилик ривожланишига катта туртки берган шаҳар ҳисобланади. XVIII асрнинг 70-йилларида Хивага келган Ф.Ефримов ёзадики, «Хивада жуда кўп миқдорда пахта ипи йигирилади, ундан калава ҳосил қилинади, калавадан эса чодир, дока, қалин мато тўқилади, Россияда булардан хом сурп, гулли чит, ола-була газмоллар, тўр, бурмет, бўз ва бошқа турли матолар олинади ва бошқа давлатларга юборилади».

Ҳамиша босқинчиларнинг кўзини ўйнатган Хива асрлар давомида юзлаб талатўпларни бошидан ўтказди. Курашларда тобланган шаҳар ўсиб-юксалиб «Минг гумбаз шаҳри» номини олди. Бетакрор ва нодир қиёфаси билан Марказий Осиёда тенгсиз шаҳарга айланди.

Бу ердаги Тош дарвоза, Ота дарвоза, Сайид Аловуддин мақбараси, Паҳлавон Маҳмуд меъморий мажмуаси, Араб Муҳаммадхон мадрасаси, Кўҳна Арк қалъаси, Тош ҳовли, Карвонсарой, Нуриллабой саройи, Калтаминор, Ислом Хожа мадрасаси каби обидалар ҳануз дунё аҳлини ҳайратга солиб келмоқда.

Хоразм ҳудудидаги 260 дан зиёд маданий мерос объектларининг гавҳари ҳам Хивадир. Унинг очиқ осмон остидаги музей деб ном олган «Ичанқалъа» мажмуаси умумбашарият хазинаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. Хива 2020 йилда Туркий дунёнинг маданий пойтахти деб эълон қилинди, 2024 йилда эса Ислом дунёсининг туризм пойтахти бўлди.

Бозорлари Хоразм қовунлари, Амударёдан янги тутиб келтириб қовурилган балиқлари билан ном қозонган Хива сўнгги ўн йилда йигитлардек ёшарди. Яшаришининг сабаби – қадим қўрғон ичида ва унга ёндош ҳудудда яна бир замонавий қўрғон – «Арда Хива» шаҳри қад ростлади. Бир томони 150 гектарли Ғовуккўлга туташиб кетган «Арда Хива»да қисқа фурсатда 17 та меҳмонхона, 9 та ресторан, 3 минг ўринли амфитеатр, 5 та кино ва концерт зали, кўргазмалар павильони, 70 та дўкон, 300 та савдо растаси, 11 та ҳунармандлар уйи ишга туширилиб, 2 мингта иш ўрни яратилди. Яна бир хушхабар – Хива туманидаги 2 минг 400 гектар ер Хива шаҳрига ўтказилиб, бу ерда «Саҳро юлдузи» туристик мажмуаси бунёд этилмоқда. Ҳадемай Ичан қалъа Хоразмнинг тарихий, «Арда Хива» эса замонавий ташриф қоғозига айланади.

Сўнгги йилларда Хивага пўлат излар ётқизилиб, замонавий вокзал қурилиб, «Бухоро – Урганч – Хива» темир йўлининг тўлиқ электрлаштирилгани ҳам унутилмас воқеадир.

Яқин келажакда эса шаҳарга «Жалолиддин Мангуберди» номли «Тошкент – Хива» тезюрар поезди келади.

Шуни ифтихор билан таъкидлаш керакки, фақат Хива эмас, вилоятнинг барча шаҳру қишлоқларида улкан ўзгаришлар юз беряпти. Ўзимиз тугул хорижлик сайёҳларни ҳам ҳайратлантирмоқда бу янгиликлар. Шундай катта имкониятлари бўла туриб, нега шу пайтгача улардан фойдаланилмади, деган саволларнинг бот-бот қулоққа чалинаётгани ҳам бор гап. Лекин ҳозир масала кимнидир қоралаб, кимнидир мақташда эмас. Гап шундаки, хазина ҳеч қачон ғойибдан келмайди. Тиришқоқнинг тешаси, тошга чега қоқади, агар у тиришса, агар кимдир уни меҳнат қилишга илҳомлантирса, эртасига, индинига – келажагига ишонтирса, инонтирса. Яратганнинг Ўзи халқимизга Шавкат Мирзиёев тимсолида худди шундай мўътабар инсонни берди. Кейинги саккиз йил ичида аҳли олам кўрди, кўрмоқда бу зотнинг нималарга қодир эканини. Шавкат Мирзиёев нафақат Ватанимизда, балки Марказий Осиёда, бутун Осиё ва Европа мамлакатларида тинчликсевар ташаббуслари, инсонпарвар ғоялари билан ҳурмат-эътибор қозонмоқда. Халқларнинг дуоларига, мамлакатларнинг юксак орден ва мукофотларига сазовор бўлмоқда.

– Президентимиз Хоразмни уйғотди, Хоразмга янги Ўзбекистонни олиб кирди, – дейди халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгаши депутати, «Дўстлик» ордени соҳиби Райимбой Шержонов. – Ҳар гал келганларида заминимизни обод, дастурхонимизни тўкин қилиш, йирик қурилишларни амалга ошириш учун қатор-қатор ташаббуслар ва катта-катта маблағлар олиб келадилар. Виждон билан айтсам, охирги 8-9 йил давомида Хоразм заминида гулга кирган боғларнинг ҳаммаси Президентимиз ташрифларининг меваларидир.

Ҳақ гап.

«Арда Хива» дейсизми, Хивага поезднинг келиши дейсизми, Мангуберди ёки ал-Хоразмий мажмуалари дейсизми, Саҳро юлдузи ёки очиқ осмон остида «Буюк алломалар» «смарт» музейи дейсизми, Хоразм шакар заводи ёки «Дамас»ларни қаторлаштириб ишлаб чиқараётган автомобиль заводи, Урганч халқаро аэропортининг тамомила янгидан қурилиши ёки кўчаларни тўлдириб юрган «ЕВРО-5 талабларига муносиб автобуслару «Бухоро – Урганч – Хива» темир йўлининг электрлаштирилиши дейсизми, ҳамма-ҳаммаси, ҳатто, воҳага 1 миллион туп гужум экишу жийдани кўпайтиришни бош меъмори ҳам Президентнинг шахсан ўзларидир. Шу жойда Президент ташаббусларининг биттаси – «Жалолиддин Мангуберди» тезюрар поезди йўлга чиққач, халқимизга қанчалар наф келажагини озгина изоҳлайлик. Учқур от йўлга чиқиши билан Тошкентдан Урганчга келиш вақти икки баробар – ҳозирги 14 соатдан 7 соату 40 минутга қисқаради. Поезд йилига 3 миллиондан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатади. Тасаввур қилинг, бир маҳаллар Хивадан Тошкентга бориш учун 15-20 соатлаб йўл юрадиганлар энди 7 соату 40 минутда манзилга етадилар! Янги Ўзбекистон нима эканини англамаётганлар учун бу ҳам ойдин бир кўзгу, шундай эмасми?!

**6**

Мамлакат раҳбарининг бугун кечагидан, эртага бугунгидан шиддатлироқ интилишга, изланишга, меҳнат қилишга даъвати ҳамда барча жабҳада шахсий ибрат-намуна кўрсатишлари жонажон Ўзбекистонимизнинг кундан-кун чирой очишига сабаб бўлаётгани, кекса-ю ёшнинг вужудига дарё-дарё илҳом бағишлаётгани аён ҳақиқат.

Йўлбошчинг доно бўлса, узоғинг яқин, манзилинг обод, режаларинг бутун бўлади. Хоразмликларнинг 2025-2030 йилларга мўлжалланган режалари ҳам аниқ ва ишончли. Вилоятнинг жамики овул-туманлари 4-5 йилдан сўнг қандай кўриниш касб этиши моҳир мўйқалам соҳибининг ноёб асаридек аниқ тасвирланган режаларда. Биргина мақолада уларга батафсил тўхталишнинг иложи йўқ, албатта. Шул боис айримларига эътибор қаратамиз.

Жорий йил ноябрь ойида ҳудудда янги қуёш электр станцияси ишга тушади. 177 гектар майдонда жойлашган мазкур станция ишга тушгач, йилига 240 гигаватт-соатдан ортиқ қайта тикланувчи энергия ишлаб чиқаради. Натижада, йилига 230 минг тоннадан ортиқ карбонат ангидрид чиқиндиларини камайтириш ва 60 мингга яқин уйларни тоза энергия билан таъминлаш имкони пайдо бўлади.

Қўшкўпирда 175 гектар ер саноат зонасига қўшилиб, 1 миллиард долларлик лойиҳаларга йўл очилади. У ерда электротехника, кимё, машинасозлик ва фармацевтика йўналишида 2 мингта иш ўрни яратилади.

Шовот каналининг ҳимоя зонаси 50 метрдан 25 метрга қисқартирилиб, 30 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилиб, 1 триллион сўмлик хизматлар кўрсатилади ва 2,5 мингта янги иш ўрни пайдо бўлади. Ғазовот ва Полвон каналлари атрофида ҳам 50 миллион долларлик лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда.

Қўшкўпирда паррандачилик, Боғотда балиқчилик, Янгиариқда полиз, шоли ва балиқ етиштириш бир неча баробар кўпаяди.

Эроннинг балиқчиликка ихтисослашган «Beyza Feed Mill» (BFM Group) компанияси қиймати 25 миллион долларга тенг балиқчилик кластерини барпо этади.

Хитой «уй саноати» тажрибаси асосида Боғот, Янгиариқ, Янгибозор, Қўшкўпир, Урганч туманларида жун ва пиллани қайта ишлаш, Ҳазорасп, Хива, Тупроққалъа ва Хонқада гилам тўқиш ҳозиргидан-да оммалашади. Ипакчилик ва гиламчилик кооперациялари сони кенгайиб, хонадонларда энг замонавий ихчам ускуналар ўрнатилади. Бунга 100 миллион сўмгача гаровсиз кредит берилаётгани янада аҳамиятлидир.

Шунингдек, вилоятда қиймати 10 миллиард долларлик йирик газкимё мажмуасини барпо қилиш бўйича илғор хорижий компаниялар билан музокаралар олиб борилмоқда. Бу лойиҳа ҳам албатта, амалга ошади ва йилига 2,5 миллион тонна юқори қўшилган қийматли полимерлар ишлаб чиқарилиб, 3 мингта янги иш ўрни яратилади.

Аёнки, Хоразмнинг асосий драйверидан бири туризмдир. Туризмни ривожлантириш бўйича 3 йиллик дастур тузилган. Дастурга асосан, сайёҳларга бир йил давомида чекловсиз Хоразмга кириш учун «Ўзбекистон – менинг иккинчи уйим» виза тизими жорий қилинади. Урганч шаҳрида «Лазги» ва «Авесто» музейи ташкил қилинади. Меҳмонхона ва дам олиш масканлари қуриш, мавжуд ўринларни кўпайтириш учун имтиёзли кредитлар берилади. Бу орқали Хоразмга хорижий туристлар оқими 1 миллионга, маҳаллий сайёҳлар сони 4 миллионга етказилиб, 20 минг иш ўрни яратиш имконияти пайдо бўлади.

Сайёҳлар ва аҳолига қулайликлар яратиш учун «Урганч – Хива» троллейбус қатновининг оралиқ вақти қисқартирилади, Урганчдан Хива ва Хонқага электробус қатнови йўлга қўйилади.

Хитой ва бошқа давлатлардан шўр тупроққа чидамли пахта навларини олиб келиб етиштириш ва экин уруғларини сертификатлаш учун Урганч шаҳрида махсус лаборатория, ҳар бир туманда эса 40 тадан кичик совуткичли омбор ташкил қилинади. Шоличиликда эса Филиппиндан олиб келинган шўрга чидамли навларни Хоразм шароитига мослаш, Жанубий Корея билан ҳамкорликда шоли уруғчилиги корхонасини ташкил этиш вазифалари амалга оширилади.

**7**

Хоразм бу заминда униб-ўсгувчи, бетакрор таъми, ўзгача ҳид ва кўриниши билан дунёда донг таратган қовунлари билан ҳам машҳур. Ҳай-ҳай, Худойимнинг бу неъматлари-я. Уларни қандай таърифлашни билмайсан киши. «Гулоби» ўзининг нафис ифори билан инсонни маст қилса, «Қизил қовун» қуёшнинг парчаси каби товланади. «Қиличбой бешак», «Қариқиз», «Туя қовун», «Тўёна», «Бўрикалла» антиқа ранг ва шакли билан ажралиб туради, «Ола замча», «Хоразм оқ новвоти»нинг ҳар бўлаги асал – асалдан-да тотли.

Айниқса, «Гурвак». Хоразм қовунчилигининг рамзи ҳисобланмиш гурвакнинг ер юзида ўхшаши ҳам, муқобили ҳам йўқ. Уни бир марта тўйиб истеъмол қилсангиз, таркибидаги моддалар танангизда бир йил, таъми эса тилингизда йиллар давомида сақланиб қолади. Гурвак ёз ойининг ўрталарида етилиб пишади ва саноқли кунларгина истеъмолда бўлади. Уни бир-икки ойдан ортиқ сақлаб бўлмайди. Шуниси чатоқ-да, тўғрими?..

Бугунги кунда воҳада қовунларнинг юздан ортиқ тури бор, дейишади. Тарихий манбаларда эса уларнинг тури бундан бир неча карра кўп бўлгани айтилади. Хусусан, машҳур араб сайёҳи ибн Баттута ва венгер олими Херман Вамбери воҳада қовуннинг 400 дан зиёд навлари етиштирилгани ҳақида маълумот беришган. Бошқа қўлёзмаларда бу заминда етиштирилган қовунлар муз билан ўралган қўрғошин қолипларда савдо карвонлари орқали дунёнинг турли давлатларига экспорт қилингани айтилади. Бу анъана ҳозир ҳам давом этмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан Хоразм қовунчилик мактабини қайта тиклаш, воҳа тупроғи ва иқлим шароитига мос, экспортбоп навларини кўпайтириш мақсадида Урганч давлат университети қошида қовунчилик маркази ташкил этилди, полизчилик йўналишида мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Кейинги йилларда воҳада қовунни иссиқхона, ҳамда очиқ далаларда етиштириш бўйича илмий кластерлар ташкил қилинмоқда.

Ҳар йилнинг август ойида Хивада халқаро «Қовун сайли» фестивалини ўтказиш эса анъанага айланди. Уч кун давом этган сайл бу йил «Арда Хива» мажмуасида ўтказилди. Чиройли қилиб терилган, баландлиги қадим меъморий обидалар билан беллашадиган қовунларни етиштирган деҳқонлар меҳнатларига яраша даромад олишмоқда. Тезпишар қовунларнинг гектаридан 250 центнергача ҳосил олган деҳқон 100 миллион сўмлаб даромад топмоқда. Бошқа биронта экиндан бунчалар мўл даромад топиш қийин. Ўтган йили боғотлик Мурод Явмутов илк марта Буюк Британияга қовун экспорт қилди. Япония, Жанубий Корея каби давлатларга қовун мураббоси, қовун уруғи экспорт қилаётганлар сони тобора кўпайиб бораётгани ҳам лоф эмас, факт. Улар бир йилда хорижга салкам 1 миллион долларлик қовун уруғи сотишди. Бундай ютуқлар ўз-ўзидан келмаслиги аён. Хусусан, Хоразм шароитида. Воҳада суғорадиган сув ҳам, ичимлик суви ҳам бирдай муаммо. Гап шундаки, Амударё суви Хоразм далаларига ўзи билан фақат лойқани эмас, балки деярли бир миллион гектар экинзорнинг тузини, зовур сувларини ҳам оқизиб келади. Буларнинг бари ҳар йили суғориш тизимини лойқадан тозалаш ҳамда шудгорнинг шўрини ювиш учун катта миқдорда қўшимча меҳнат, куч ва маблағ сарфлаш заруратини келтириб чиқаради.

Шундай мураккаб шароитда ҳайратли натижаларга эришаётган Хоразм деҳқонлари шаънига ҳар қанча мақтовлар, олқишлар айтсангиз ҳам камлик қилади.

**8**

Рўзғори каттанинг ташвиши ҳам катта бўлади. Икки ярим миллионли йирик оила бўлмиш Хоразмда ҳам ўзига яраша кам-кўстлар, ҳал қилиш лозим бўлган муаммолар оз эмас.

Масалан, шундай йирик рўзғорда чиқиндиларни ташиш тизими замон талабига жавоб бермайди. Йўллар, транспорт масалаларида ҳам камчиликлар етарли. Электр ва газ таъминотидаги муаммолар, чорва моллари ўртасида тарқалган касаллик туфайли кўплаб молларнинг нобуд бўлаётгани, ерларнинг шўрланиши кучайиб, артизан сувлари истеъмолга ярамай қолаётгани ҳам оддий муаммо эмас. Вилоятнинг туристик салоҳиятидан етарли даражада фойдаланиш йўлидаги муаммоларни ҳал қилиш эса алоҳида масаладир.

– Яна иккита муҳим гап бор, – дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Жаббор Раззоқ. – Биринчиси, Хива билан Бухоро ўртасида 300 километрдан зиёд чўл бор. Кўпгина сайёҳлар шу йўлдан келади Хоразмга. Аммо бирон ерда бирпас тўхтаб, ҳордиқ оладиган манзил йўқ. Икки қадимий шаҳар ўртасида худди Мисрнинг Қоҳира ва Александрия шаҳарлари оралиғидагидек шинамгина шаҳарча қурилса яхши бўларди. Иккинчиси, Хивада ҳам, сайёҳлар ташриф буюрадиган бош манзилларда ҳам ҳожатхона муаммоси ҳалигача ҳал қилинган эмас...

Тоғ тумансиз бўлмайди. Катта йўлга чиққан карвон сафар машаққатларидан қўрқмайди. Чангда ҳам, ёмғирда ҳам, қорда ҳам олдинга интилади. Хоразм карвони катта йўлда. У мардонавор меҳнати билан қийинчиликларни енгиб, Янги Ўзбекистон харитасида ўзининг иқтисодий ўсиш ва ривожланишдаги муваффақиятлари билан муҳим ўрин эгаллаб бормоқда. Иқтисодиётнинг асосий секторлари ҳисобланган қишлоқ хўжалиги, саноат, туризм ва инфратузилма яратишга қаратилган саъй-ҳаракатлар, давлат дастурлари ва инвестициялар мусаффо булоқлар сингари тараққиёт боғларига жўшқин ва тоза обиҳаёт олиб кирмоқда.

Ўтаётган йилимизнинг биринчи ярмига доир рақамлар фикримизни яна бир карра тасдиқлайди. Рақам бу – тарих. Олти ойда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 108,4 фоизга, қурилиш ишлари 109,9 фоизга, жами хизматлар 114,7 фоизга бажарилди. Мазкур соҳалар ва қишлоқ хўжалиги тармоқларида қиймати 1,6 триллион сўм бўлган 192 та лойиҳа ишга туширилди, 3905 та янги иш ўрни яратилди.

3905 та иш жойи, бу – 3905 одам, 3905 оила, 3905 рўзғор хотиржам бўлди, ўзига, болаларининг келажагига, эртанги кунининг ободлигига ишонч уйғонди, дегани.

Эсланг, кўз олдингизга келтиринг, нақадар мураккаб эди бундан 9-10 йил муқаддам битта, атиги биттагина иш ўрни яратиш. Иш жойи йўқлиги учун ким-кимларнинг эшигида мардикорлик қилишга, кўчасини супуришга мажбур эди минглаб ватандошларимиз. Янги корхоналарнинг ишга туширилиши, тадбиркорликка кенг йўл очилиши натижасида, албатта, вилоятда ишсизлик даражаси 5,4 фоиздан 4,7 фоизга, камбағаллик даражаси эса 11,9 фоиздан 9 фоизга пасайди. Бундан-да пасаяди ҳали – ишсизлар бўлмайди, Худо хоҳласа, Хоразм воҳасида.

Хоразм аҳли она Ватанимиз мустақиллигининг 34 йиллик тўйини ана шундай тўёналар, ширин ташвишлар, гўзал ғалабалар, ёруғ режалар оғушида қарши олмоқда.

*Бу оламда неки бор, мавжуддир ўз тарихи.*
*«Авесто»дан шонлидир Хоразмнинг таърифи,*
*Бир пайтлар «Хорасмия», бирда «Қуёш ўлкаси».*
*Эҳ-ҳе, нелар кўрмади «Минг қалъа»ли елкаси,*
*Бир аждоди Массагет, Сиёвушдир алплари,*
*Чингизни зир титратган Мангуберди залплари.*
*Ҳар гули, ҳар чечаги гоҳ қизил, гоҳ сиёҳдир,*
*Аёзқалъа, Уйқалъа ҳаммасига гувоҳдир.*
*Хоразмий, Берунийдан, Паҳлавон Маҳмуд қадар,*
*Куброга она ватан, Огаҳийларга падар.*
*Босқин, суғиш, урҳо-ур, тўфонлар гирдобида,*
*Хива бўлиб тобланди ҳар қалъа, ҳар обида.*
*Замона айлаб таъзим Маъмунлар даҳосига,*
*Нурафшон онлар келди Хоразм воҳасига.*
*Наво кирди, кирди нур шаҳар, овул, кўлгача,*
*Шамоллар эсди ҳур-ҳур, Жайҳундан то Нилгача.*
*Бугун ой, юлдузларни мафтун этиб орази,*
*Булутлардан баландлаб бораётир Хоразм.*
*Вайрон бўлган қўрғонлар айланмоқда қасрга,*
*Халқ шиддати сиғмагай на назм, на насрга.*
*Ҳар нафасда янгилик, ҳар қадамда байрам, тўй,*
*Булутларни тебратар «Мақом», «Лазги», қўшиқ, куй.*
*Элнинг йўли биттадир, бирдир орзу армонлар,*
*Армонларга қанотдир шоҳона ҳур фармонлар.*
*Жайҳун шиддати кўчган, йигит-қизлар қалбига,*
*Баргдай титрар еру кўк ғалабалар зарбидан.*
*Нуронийлар дуода:*
*– Юртга иқбол ёр бўлсин!*
*Халқимизнинг бахтига Ёшуллимиз бор бўлсин!*

**MUASSIS:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

**2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.**

**«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay'ati:**

**Qudratilla RAFIQOV** *(tahrir hay'ati raisi),*
**Ulug'bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV** *(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),* **Mehriddin SHUKUROV** *(Mas'ul kotib – «Ishonch»),* **Valentina MARSENYAK** *(Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
**Husan ERMATOV**

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Bo'limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti **– (71) 256-64-69**
Huquq va xalqaro hayot **– (71) 256-52-89**
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport **– (71) 256-82-79**
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash **– (71) 256-85-43**
Marketing va obuna **– (71) 256-87-73**

**Hududlardagi muxbirlar:**
**Qoraqalpog'iston Respublikasi –** (+998-99) 889-98-20
**Andijon viloyati –** (+998-99) 889-90-23
**Buxoro viloyati –** (+998-99) 889-90-31
**Navoiy viloyati –** (+998-90) 500-05-12
**Jizzax viloyati –** (+998-99) 889-90-34
**Namangan viloyati –** (+998-93) 213-09-66
**Samarqand viloyati –** (+998-99) 889-90-26
**Sirdaryo viloyati –** (+998-99) 889-98-55
**Surxondaryo viloyati –** (+998-90) 379-19-70
**Toshkent viloyati –** (+998-99) 600-40-44
**Farg'ona viloyati –** (+998-99) 889-90-24
**Xorazm viloyati –** (+998-99) 889-98-01
**Qashqadaryo viloyati –** (+998-97) 705-08-93

**Navbatchi muharrir:**
Alijon ABDURAHMONOV

**Musahhihlar:**
Dilorom XUDOYBERGANOVA, Umida XUDOYBERGANOVA

**Sahifalovchi:**
Hasan ABDUJALILOV

**Bosishga topshirish vaqti –** 04:50
**Topshirildi –** 05:10

**Bahosi kelishilgan narxda**

Gazeta haftaning **seshanba, payshanba va shanba** kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
**E-mail:**
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: **133**

**Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.**

**Umumiy adadi 32 076 та**

**Shundan: 6 079 nusxasi**
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –
**Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;**

**18 116 nusxasi**
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
**Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;**

**7 881 nusxasi**
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
**Marg'ilon shahri,Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma G-811**
1 2 3 4 5 6